*Лойиҳа*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР КОДЕКСИ

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ва принциплари**

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси сифатида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, энг аввало суғориладиган ерлар алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий мақсадга мувофиқ фойдаланилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

ерга ва атроф табиий муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилиши;

ердан ҳақ эвазига фойдаланиш;

ер тузишни ташкил этиш, ерларнинг мониторингини ўтказиш, ерларни районлаштириш ва давлат ер кадастрини юритиш, ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ ҳамда эркин фойдаланиладиган бўлишини таъминлаш.

**2-модда. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан, Ўзбекистон Республикасининг ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ер муносабатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Тоғ, ўрмон ва сув билан боғлиқ муносабатлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, шунингдек атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатларига киради:

ер тўғрисида, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**4-модда. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ушбу Кодекс, бошқа қонунларга мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар нашр этиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан яхлит тарзда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигининг табиий мослашувини ўтказишни, ер тузиш ишларини, ер мониторинги ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;

ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда тугатиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**5-модда. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузиш ишларини, давлат ер кадастри ва ер мониторинги юритилишини ташкил этиш;

юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган рўйхатга мувофиқ олиб қўйиладиган ерлар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда тарихий-маданий объектлар жойлашган ерлардан, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил минтақалари ерларидан, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, биринчи гуруҳга мансуб ўрмонларнинг ерларидан ташқари барча ерларни, катта-кичиклигидан қатъи назар, олиб қўйиш;

дипломатия ваколатхоналари,Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк қилиб сотиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда тугатиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**6-модда. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

ер ресурсларининг унумдорлигини ошириш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни; ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни; сув фонди ерларини олиб қўйиш — ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача миқдорда;

фуқароларга ерларни фермер хўжалигини юритиш учун ижарага бериш;

фуқароларга, юридик шахсларга заҳира ерлардан, ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар, эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

фуқароларга ер участкаларини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида сотиш;

ер тузиш ишларини, давлат ер кадастри ва ер мониторинги юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқни, шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тугатиш сабаблари ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тугатиш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари тузилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**7-модда. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари**

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар, шаҳар доирасида унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ижарага бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг ерлари бундан мустасно;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга сотиш;

ер тузиш ишларини, давлат ер кадастри ва ер мониторинги юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек ерни ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тугатиш сабаблари ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тугатиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

## 2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР ФОНДИ

**8-модда. Ер фонди**

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг асосий мақсадига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалиги ерлари - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ёки ана шу мақсадларга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалиги ерлари: суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар; ҳайдаладиган ерлар; пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дарахтлар ва токзорлар жойлашган ерларга бўлинади.

2) аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари) - шаҳар ва посёлка чегаралари доираларидаги, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари доираларидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа мақсадларида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар - юридик шахсларга кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жойлашган ерлар, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва сайёҳлик учун фойдаланиладиган ерлар;

5) тарихий-маданий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар — тарихий-маданий ёдгорликлар эгаллаган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари - ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган, бироқ ўрмон хўжалигининг эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари - сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган зоналар;

8) заҳира ерлар.

**9-модда. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш**

Ерлар ер фонди тоифаларига ўзининг асосий фойдаланиш мақсадларига қараб бўлинади.

Ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш - ер тузиш ва шаҳарсозликка доир ҳужжатларда акс эттириладиган, қонун ҳужжатларида ерлардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишнинг белгиланган тартиби, шартлари ва меъёрларидир.

Ерларни ер фонди тоифаларининг биридан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсадлари ўзгарган ҳолларда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун беришга ҳақли бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ерларнинг тоифалари ерни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун беришга ҳақли бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилади.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга асос бўлади.

**10-модда. Ер участкаси**

Ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастри ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа жиҳатларга эга бўлган муайян қисмидир.

Ер участкаларининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натура шаклида ажратилади. Ер участкасининг майдони натура шаклида чегаралар белгиланганидан кейин аниқланади.

Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Мўлжалланган фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнғинга қарши, санитария, экологик, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлиб, бўлиш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мустақил ер участкасини ташкил этадиган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Мўлжалланган фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

## 3-БОБ. ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ

**11-модда. Ерларни табиий-қишлоқ хўжалик ҳудудларига бўлиш**

Ерларни табиий-қишлоқ хўжалик ҳудудларига бўлиш — ҳудудларни табиий шароитлар ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг агробиологик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлишдир.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ерларни табиий-қишлоқ хўжалик ҳудудларига бўлишга мувофиқ амалга оширилади.

Ерларни табиий-қишлоқ хўжалик ҳудудларига бўлиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари ер участкаларига тааллуқли қонуний мажбуриятлар туркумига киритилиб, фуқаролар ва юридик шахсларга ер бериш шартлари жумласига қўшилади.

Ерларни табиий-қишлоқ хўжалик ҳудудларига бўлишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**12-модда. Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни**

Ер тузиш ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишга, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузиш ишларининг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш ишларига бўлинади.

Истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузиш ишларига қуйидагилар киради:

1) республика ва унинг минтақаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;

2) туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;

3) тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқболга оид тахминларни, республика миқёсидаги ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш;

4) табиатни алоҳида муҳофаза қилиш, рекреацион ва қўриқхона режимидаги ҳудуднинг жойлашишини ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Хўжаликлараро ер тузиш ишларига қуйидагилар киради:

1) жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

2) ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда мулкдорларнинг, янги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжудларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

3) янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

4) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

5) ер участкаларини натурада ажратиб бериш, ер участкасига мулк ҳуқуқини, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;

6) бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкилардан, сув босишидан, захлашдан, қуруқшаб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

7) барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда умуман, оқилона ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни муттасил аниқлаб бориш;

8) ерларни ресурс жиҳатидан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

9) ерларни баҳолаш тадбирларини ўтказиш.

Хўжаликлараро ер тузиш туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғланган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари ўша жойда маъмурий-ҳудудий тузилма чегараларини белгилаш тартибида ҳал қилинади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари тасдиқланганидан кейин натурага (жойга) кўчирилиб, мулкдорлар, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ер участкаларининг чегаралари белгиланган намунадаги чегара белгилари билан ажратилади.

Хўжалик ичидаги ер тузиш қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек фермер хўжаликларининг ҳудудини хўжалик ичида ташкил этиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни комплекс реконструкциялашни ўз ичига олади.

Хўжалик ичида ер тузиш лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан муаллифлик назорати олиб борилади, муаллифлик назорати ер тузишнинг таркибий қисмидир.

Ер тузиш тартибида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Ер тузиш ишлари таркибида топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника, тарихий-маданий ва бошқа текширишлар ҳамда изланишларни олиб бориш назарда тутилади.

**13-модда. Ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Жойда маъмурий-ҳудудий тузилма чегараларини ўрнатишга доир материаллар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган тартибда, бошқа истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир материаллар эса, тармоқ норматив ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари бошқаруви мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, посёлка, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Ер тузиш лойиҳаларига ўзгаришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг (мансабдор шахсларнинг) рухсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳалари юридик ва жисмоний шахслар аризасига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**14-модда. Ер мониторинги**

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ягона ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритиш, ердан фойдаланиш, ер тузиш ишлари, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**15-модда. Давлат ер кадастри ва уни юритиш тартиби**

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, уларни ер участкалари мулкдорларига, ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, посёлка, қишлоқ ва овуллар ўзини ўзи бошқариш органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри ернинг қиймат баҳосини аниқлаш учун асос бўлади.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади.

Давлат ер кадастрини юритиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Давлат ер кадастрини юритишни ер тузиш хизмати органлари бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадилар.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника ва бошқа йўналишдаги текширув ва изланишларни амалга ошириш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, мулкдорларнинг, ер эгаларининг ва ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

## 4-БОБ. ЕРГА БЎЛГАН МУЛКЧИЛИК. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ

**16-модда. Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик**

Ер — давлат мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**17-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари**

Юридик шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларига мулк ҳуқуқи, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли фойдаланиш, ижара ҳуқуқи асосида эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ер участкаларига ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли фойдаланиш, ижара ҳуқуқи асосида эга бўлишлари мумкин.

Ер участкалари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган асослар, шартлар ҳамда доирада юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлиши мумкин.

**18-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқининг вужудга келиши**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ажратилган ер участкалари билан бирга сотилганда вужудга келади.

Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг - дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилганда вужудга келади.

**19-модда. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи**

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи — мерос тариқасида ўтадиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

деҳқон хўжалиги юритиш;

якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш;

жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун;

шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига доир давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатларининг шакллари, уларни рўйхатдан ўтказиш ва бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**20-модда. Ер участкаларига доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи**

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Ер қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга доимий эгалик қилишга берилади.

Ер доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, шу жумладан жамоа полизчилиги юритиш учун;

саноат, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга;

чет эл юридик ва жисмоний шахсларига берилади.

Ер қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа таш-

(Давоми 3-бетда).

*Лойиҳа*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР КОДЕКСИ

**(Давоми. Боши 2-,3-бетларда).**

лик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини назарда тутиш ва амалга ошириш;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган ердан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида тақдим этиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**41-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари**

Давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар фаолиятига аралашиши тақиқланади, ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар қонун ҳужжатларини бузган ҳоллар бундан мустасно.

Ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқларини бузиш натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган ер участкалари уларнинг хоҳишига кўра туман ёки шаҳар ҳокими томонидан аввалги ерига тенг ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ернинг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 85-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиниши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 85-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми ер участкалари билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олинади.

**42-модда. Ер участкалари мулкдорларининг, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқларини чеклаш**

Ер участкалари мулкдорларининг, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари давлат манфаатларини, атроф муҳитни сақлаш, муҳандислик коммуникациялари қуриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг манфаатларини, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини кўзлаган ҳолда фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина чекланиши мумкин.

## 6-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР

**43-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг таркиби**

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, берк сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар билан банд бўлган ерларга ажратилади.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилинади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация ва сувдан фойдаланиш тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда улар унумдорлигини оширишнинг шартидир.

**44-модда. Суғориладиган ерлар**

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган тартибда таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим, уларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни эътиборга олиб, вилоят ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**45-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига — илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — деҳқон хўжалигини, хусусий боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш учун, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларга, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади.

**46-модда. Товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар ва уларга ер участкаларини бериш**

Қуйидагилар товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар жумласига киради:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни сотишни амалга оширувчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар;

қишлоқда яшовчи оила аъзоларининг ўзларига берилган ер участкасида шахсий меҳнат асосида майда товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ва уни қайта ишлашни амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари;

ўзларига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдан иборат бўлган фермерлик хўжаликлари;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда сотишни амалга оширувчи боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари;

ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бир қисмини сотгани тақдирда саноат, транспорт ва бошқа тармоқлар корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари.

Фойдаланилиши йирик товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини (пахта ва бошоқли дон экинлари етиштиришни) ташкил этиш билан боғлиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар устун асосда пайга асосланган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) эгалигига берилади.

Сабзавот-полиз экинлари, картошка етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик учун, шунингдек чорвачилик эҳтиёжлари учун белгиланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилишга (шу жумладан фуқароларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишига), фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

**47-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари,ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

1) бизнес - режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

2) минтақа шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

3) ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

4) мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни бутунлай қайта тузишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқариш ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

5) хўжаликнинг ички суғориш ва коллектор-зовур тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

6) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва ботқоқланишига, ерларнинг ва сув манбаларининг булғаниши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

7) қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;

8) ушбу Кодексга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

**48-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиши**

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, аввало оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулкий пай эгалари бўлмиш аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) унинг юқори бошқарув органи қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав капитали шакллантирилади:

пай жамғармаси;

тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, техника сотиб олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш бўлинмас жамғармаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ҳам тузилиши мумкин — акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун белгиланган мақсадда доимий эгалик қилишга олади. Кўрсатиб ўтилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер участкаларини қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга бериб қўйилган ерлардан иборат бўлади ҳамда фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига доимий эгалик қилиш учун Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқига доир давлат ҳужжати топширилган ҳолда туман ҳокимининг қарорига биноан берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи улар уюшмалар, агросаноат бирлашмалари, комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа тузилмалар таркибига кирганларида сақланиб қолади.

**49-модда. Ерларни пай жамғармасига бериш.**

**Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) мулкий пай**

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкалари қиймати унинг пай жамғармасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкалари қийматини баҳолаш Давлат ер кадастри ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймати баҳосини ва асосий жамғармаларнинг ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятлардан холи бошқа активларининг қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно. Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдорлари қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкий пайларга тақсимланиши лозим.

Мулкий пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пировард натижасидан дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради.

Мулкий пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкий пайининг аниқ миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзосига унинг мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг тегишли қисмига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда кооперативнинг (ширкатнинг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фойдаси (даромади)нинг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкий пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

**50-модда. Ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш. Оила (жамоа) пудрати**

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ер участкалари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун оилаларга оила пудрати шартномаси шартларида вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин.

Муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун ер участкалари шунингдек жамоа пудрати шартномаси шартларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларининг гуруҳларига вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин.

Оила пудрати — қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан қишлоқдаги оилага оила пудрати шартномаси шартларида вақтинча фойдаланишга бериб қўйилган ер участкаларида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган, ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги корхонасининг бошқаруви ёки маъмурияти тимсолида ва оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) томонидан имзоланади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ ҳосилдорликни ва ер сифатини ошириш бўйича мажбуриятлари, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотига ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари;

суғориш учун пудратчини сув ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва тарафларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартларида берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш пировард натижаларга кўра — етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва нархига қараб амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари—пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолиятининг пировард натижаларга кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартларида бериб қўйилган ер участкасидан пудратчидан ер учун ҳақ ундирилмайди. Бу участкалардан ер солиғини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари белгиланган тартибда тўлайди.

Пудрат шартномаси шартларида олинган ер участкасини ижарага ёки иккиламчи пудратга бериш тақиқланади.

Ер участкаси олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарар ва бошқа харажатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**51-модда. Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга ер бериш**

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) юқори бошқарув органларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг қарорига биноан, ушбу Кодекснинг 57-моддасида белгиланган тартиб ва шартларда берилади.

**52-модда. Фермер хўжалигини юритиш учун ер бериш**

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжаликлари захира ерларда, махсус республика фондидаги ерларда, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликларда ва янгидан суғориладиган массивларда тузилади. Шунингдек улар зарар кўрувчи ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари негизида ҳам тузилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ерларида фермер хўжаликлари кооперативлар (ширкатлар) аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан тузилиши мумкин эмас.

Фермер хўжаликлари илмий-тадқиқот, ўқув муассасаларига ва бошқа қишлоқ хўжалиги муассасаларига, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ва бизнес-мактабларга, умумтаълим мактабларига, шунингдек саноат, транспорт ва бошқа корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалигига берилган ерларида ҳамда сув фонди ерларида тузилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари эллик йилгача муддатга, бироқ камида ўн йилга ижарага берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитлар, шунингдек фермер хўжалигининг сон таркибини ҳисобга олиб аниқланади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадлари учун ер участкаларини қўшимча равишда ижарага олиши мумкин.

Фермер хўжалиги унинг аъзоларининг туман ҳокимига ва қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) ёзма мурожаати асосида кўнгилли равишда тузилади ва ер участкасини ижарага олиш шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа, шу жумладан уни истеъмолчиларга ўз хоҳишига кўра сотиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалигига бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя қилиш, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз мол-мулкини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ўз ижарага олиш ҳуқуқини фақат ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ижарага берувчининг розилигисиз гаровга беришга ҳақли.

**53-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бўлинмалари негизида тузиладиган кооперативларга (ширкатларга) ер бериш**

Вилоят ёки туман ҳокимининг қарорига биноан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг (илмий-тадқиқот, ўқув ташкилотлари, ёрдамчи қишлоқ хўжаликларидан ташқари) бўлинмалари негизида тузиладиган ҳамда улар таркибидан чиқадиган кооперативларга (ширкатларга) хўжалик юритишнинг тенг шароитлари яратилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда ўзлари илгари фойдаланиб келган ерлардан ер участкалари берилади. Бу участкалар мазкур корхоналар ва ташкилотларнинг ерлари таркибидан чиқарилиши лозим. Ер участкаларини бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**54-модда. Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш ёки сотиш**

Деҳқон хўжалиги - оила бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилган ер участкасида қишлоқдаги оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ва уни сотишни амалга оширувчи оилавий майда товар хўжалигидир.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳар бир аъзоси оиласига, шунингдек қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун бериладиган ер участкаси, иморатлар ва ҳовлилар эгаллаган майдонни қўшган ҳолда суғориладиган ерларда 0,35 гектар ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектар ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Айрим аҳоли пунктлари шаҳар ҳудуди таркибига киритилган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарида, муассасаларида ва ташкилотларида беш йилдан ортиқ узлуксиз ишлаган ва ишлашни давом эттираётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари аъзоларининг, шунингдек ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига уларнинг иш жойларидан, иморатлар ва ҳовлилар эгаллаган майдонни қўшган ҳолда ана шу корхоналар, муассасалар, ташкилотларда белгиланган ўлчамда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик учун ер участкаси берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ҳамда фуқаролар оиласининг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органларнинг қарори билан белгиланади, мазкур қарор туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик учун кимошди савдоси асосида сотилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларига эга бўлмаган ёки муайян қишлоқ хўжалиги корхонасида, муассасасида ёки ташкилотида белгиланганидан кам ўлчамдаги ер участкасига эга бўлган фуқароларга ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан белгиланган нормалар доирасида якка тартибдаги томорқалар учун қўшимча ер участкалари фойдаланишга берилади.

Қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва молларга эга бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларни ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритувчи оилалар ўзлари етиштирган маҳсулотни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа, шу жумладан уни истеъмолчиларга ўз хоҳишига кўра сотиш ҳуқуқига эга.

Транспорт, алоқа соҳаси, сув, балиқ, ўрмон хўжалиги, шунингдек халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўз эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан айрим тоифадаги ўз ходимларига хизмат ер участкалари беради.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш ёки сотиш тартиби, шунингдек хизмат ер участкаларини бериш тартиби ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

**55-модда. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга ер бериш**

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктларида яшаб турган, деҳқон хўжалигига эга бўлмаган фуқароларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосномасига биноан жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга туман ҳокими томонидан ер участкаси бериб қўйилади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини ташкил этиш учун фуқаролар боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларига бирлашадилар.

Боғдорчилик ва узумчилик учун ер участкалари шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ташқарида ёки бошқа аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида аҳоли пунктлари ҳудудининг кенгайиш истиқболларини эътиборга олиб, сув ресурслари ва уларга лимитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда захира ерлардан ва ўрмон фондининг дарахтзорга айлантириш мўлжалланмаган ерларидан ажратиб берилади. Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун яроқли захира ерлар ҳамда ўрмон фонди бўлмаган тақдирда, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерлари истисно тариқасида берилиши мумкин.

Сув ресурслари ҳамда уларга лимит ажратиш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда аҳоли пунктлари ерларидан, яқин йиллар ичида бошқа мақсадларда фойдаланишга мўлжалланмаган захира ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланиб туришга ер участкалари берилади. Жамоа полизчилиги учун қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вақтинча фойдаланилмаётган ерлари, бундай ерлар бўлмаган тақдирда эса — қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг унумдорлиги кам ерлари берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади.Улардан уй-жой бинолари ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш тақиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги вақтинчалик иморатлар ва иншоотларни қуришга ер участкалари берган орган рухсат бериши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун бериладиган ер участкаларининг ўлчами кўчалар очиш, жамоат иморатлари ва иншоотлари қуриш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда боғдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,06 гектаргача ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,08 гектаргача ўлчамда белгиланади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун ер бериш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**56-модда. Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги юритиш учун ер бериш**

Саноат, транспорт ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳасига таалluқли бўлмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, диний ташкилотларга ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек ошхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар уйларини, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шу кабиларни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими бутунлай ёки лозим даражада фойдаланилмаётган ерларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа қишлоқ хўжалиги ерларини ҳам ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун доимий эгалик қилишга бериши мумкин.

**57-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга бериш тартиби ва шартлари**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга, диний ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ, ерларни ажратиш лойиҳаларига асосан вилоят ҳокимининг қарорига биноан берилади.

Янги тузилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг доимий эгалигидаги ерларни ҳамда тугатилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари тугашини расмийлаштириш уларни тузиш ёки тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганидан кейин вилоят ҳокимининг қарорига биноан ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотла-

**(Давоми 5-бетда).**

